

---

## ВИЛОЯТИМИЗДА ФИНЛЯНДИЯ ИНВЕСТИЦИЯСИ ИШТИРОКИДА ЧИҚИНДИЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЛОЙИХАСИ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ РЕЖАЛАШТИРИЛМОҚДА

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Иқболжон Эргашев, мутасадди идоралар раҳбарлари билан биргаликда Финляндиянинг “Kauko International Oy” компанияси директори Маркус Туукканнен билан вилоятимизда чиқиндиларни қайта ишлаш лойиҳасини амалга ошириш юзасидан музокаралар ўтказди.

Қўқон шаҳрида амалга оширилиши кўзда тутилаётган ушбу лойиҳа қийматининг 30 фоизи Финляндия Ҳукумати гранти ва қолган 70 фоизи 10 йиллик фоизсиз кредит ҳисобига амалга оширилади.

Музокара давомида мазкур лойиҳани амалга оширилиш босқичлари, томонлар масъулиятлари ва зарурий тадбирлар муҳокама қилинди.

Биргаликда лойиҳа концепциясини тайёрлаш ишларини тугатиш ва инвестор томонидан тез кунларда лойиҳанинг дастлабки техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқилишига келишиб олинди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2022-04-23 15:31:54